# МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

**Шакаров Акмал Исматович**
E-mail: siyosat@umail.uz
Тел.: +99897 795 40 70

Qabul qilindi: 28.10.2025
Ko‘rib chiqildi: 29.10.2025
Tasdiqlandi: 30.10.2025

**Калит сўзлар:**
маҳалла, еттилик, ваколатли шахс, жамоатчилик, ижтимоий ҳаёт, тарбия, профилактика, масъулият, фуқаролик жамияти.

**Аннотация.** Ушбу тезисда маҳалла еттилиги ваколатли шахсларининг жамиятдаги ўрни ва уларнинг асосий вазифалари ёритиб берилган. Маҳалла тизимида еттилик аъзоларининг фаолияти аҳолининг ижтимоий ҳаётини яхшилаш, ёшлар тарбияси, хотин-қизлар билан ишлаш, профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, мақолада маҳалла еттилиги тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ҳам берилган.

**Маҳалла раиси**
**2023 йил 21 декабрь, ПФ-209-сон фармон**

"Маҳалла ободлигини таъминлаш, шу жумладан, «Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» мезонларини жорий этишда аҳолининг фаол иштироки ва масъулиятини ошириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт ва бута кўчатлари экиш бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш.

(Ҳар ойда бир маротаба маҳалладаги барча кўчаларда оммавий ҳашар уюштиради, камида 2 та эҳтиёжманд оилаларнинг таъмирталаб хонадонида қўни-қўшниларни жалб этган ҳолда, ҳашар ташкил этади)"

"Миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни тарғиб қилиш, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни сақлаш, тўй-маросимларни исрофгарчиликларсиз ихчам ўтказилишини таъминлаш.

(Ҳар чоракда бир маротаба маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирларнинг аҳоли билан миллий қадриятлар ва урф-одатларни сақлаш, тўй-маросимларни ихчам ўтказиш бўйича учрашувлари ташкил этилишини таъминлайди)"

"Маҳаллага бириктирилган давлат органлари вакилларини аҳоли муаммоларини ҳал этишга сафарбар этиш ва муаммоларга ечим топишини таъминлаш.

(Фуқаролар йиғинининг Кенгашида ҳар ойда камида 5 та маҳаллага бириктирилган давлат органлари вакилларининг маҳаллада амалга оширган ишлари юзасидан ахборотини эшитиб, муаммоларни ҳал этишда кўмаклашади)"

"Маҳаллада фаолият юритувчи ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходим фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, маҳаллани ҳар томонлама ривожлантиришда улар имкониятларидан самарали фойдаланиш.

(Ҳар ҳафтада маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходимлар ҳисоботини эшитади ва уларни ҳар бири ҳар ойда камида 10 тадан муаммоли масалаларни ҳал этишини назоратга олади)"

"Маҳалла ҳудудида қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шу жумладан, таълим, тиббий хизмат, спорт, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш.

(Ҳар ҳафтада бир маротаба маҳалла ҳудудидаги таълим ташкилотида ўқувчиларнинг давомати, оилавий поликлиникаларда (қишлоқ врачлик пунктларида) аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат ва патронаж ҳамшираларининг оилаларга ташрифи, спорт ташкилотларининг аҳоли учун очиқлиги, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари атрофининг тозалиги ҳамда дарахтларни парваришлаш ҳолатини ўрганади)"

**Ҳоким ёрдамчиси**

**2023 йил 21 декабрь, ПФ-209-сон фармон**

"Доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш чораларини кўриш.

(Ҳар ойда камида 10 нафар ишсизнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш чорасини кўради)."

"Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит ва субсидиялар ажратилишида кўмаклашиш.

(Ҳар чоракда бир маротаба кредит ёки субсидия ажратилган фуқароларнинг уйига бориб, тадбиркорлик ва даромад топишга қаратилган фаолиятини юриб кетишига кўмаклашади)."

"Ўзини ўзи банд қилган ҳамда ташаббускор фуқароларнинг тадбиркорликка қизиқишларини аниқлаш, уларнинг кичик бизнес субъектига айланишига ёрдам бериш.

(Ҳар чоракда камида 5 нафар ўзини ўзи банд қилган ҳамда ташаббускор фуқароларни якка тартибдаги тадбиркор ёки оилавий корхона сифатида иш бошлашига ёрдам беради)."

Аҳолига ижара ҳуқуқи асосида ажратилган ер майдонлари ва томорқаларда экилган экинлар ва етиштирилган маҳсулотлар ҳисобини юритади, шунингдек, деҳқон хўжаликлари билан экспортёр, брокер ва қайта ишловчи корхоналарнинг ҳамкорлигини ташкил этади.

Маҳаллаларда кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича микролойиҳалар манзилли дастурини шакллантиради ва лойиҳаларни амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади.

Маҳалладаги бўш турган бино-иншоотлар ва ер майдонларини аниқлаб, уларни белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўради.

Маҳалладаги камбағал оилаларнинг ҳар бири учун «индивидуал дастур» ишлаб чиқади ва уларнинг даромадини ошириш чора-тадбирларини белгилайди.

**Ёшлар етакчиси**

**2025 йил 10 сентябрь, ПФ-163-сон фармон**

Ёшларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш, жамият учун фойдали ва умуммиллий манфаатларга хизмат қилишга қаратилган лойиҳаларни маҳалла даражасида амалга ошириш.

Ёшларнинг шахсий ривожланишига, уларнинг иқтидори ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш, «Беш ташаббус олимпиадаси»ни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш.

Меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг тадбиркорлик кўникмалари ва ўз тақдири учун масъулият ҳиссини кучайтириш орқали бандлигига кўмаклашиш.

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга кўрсатиладиган ёрдамнинг ижтимоий ҳамкорлик тамойилига асосланишини таъминлаш.

Изоҳ: Етакчиларни уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилиш ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклаш тақиқланади».

Ёшларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш, жамият учун фойдали ва умуммиллий манфаатларга хизмат қилишга қаратилган лойиҳаларни маҳалла даражасида амалга ошириш;

Ёшларнинг шахсий ривожланишига, уларнинг иқтидори ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш, «Беш ташаббус олимпиадаси»ни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

Меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг тадбиркорлик кўникмалари ва ўз тақдири учун масъулият ҳиссини кучайтириш орқали бандлигига кўмаклашиш;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга кўрсатиладиган ёрдамнинг ижтимоий ҳамкорлик тамойилига асосланишини таъминлаш»;

**Хотин-қизлар фаоли**

**2023 йил 21 декабрь, ПФ-209-сон фармон**

"«Соғлом оила — соғлом жамият» тамойилларини тарғиб қилиш, хусусан яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг олдини олиш,

репродуктив саломатликни яхшилаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш.

(Ҳар ойда камида 20 та оилага кириб, оилавий қадриятларни тарғиб этади ва никоҳларнинг қонунийлигини таъминлайди.

Маҳаллада ҳар ойда ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилаларнинг 5 тасини соғлом турмуш тарзига қайтаради)."

"Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш.

(Ҳар ойда бир маротаба мактабдаги ўқувчи қизлар билан учрашиб, уларнинг таълим олишга қизиқишини оширади.

Ҳар ойда камида 5 нафар маҳалладаги хотин-қизларни тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчиликка жалб қилади)."

"Хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ушбу муаммолар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ижтимоий ходим билан биргаликда ташкил этиш.

(Ҳар ойда камида 10 нафар оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этади)."

"Хотин-қизлар ўртасида ижтимоий профилактика ва мослаштириш ишларида ҳамкорлик қилиш, тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратишда иштирок этиш.

(Ҳар ойда бир маротаба жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар хонадонига бориб, муаммосини ўрганади.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлайди ва профилактика инспекторига хабар беради)."

**Ижтимоий ходим**

**2023 йил 30 октябрь, 71-сон агентлик буйруғи**

Оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилаларни аниқлаш, уларнинг эҳтиёжларига қараб, комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш ва ёрдамларни ташкил этишга масъул бўлади.

Аҳолининг ижтимоий хизмат ва ёрдамлар, шунингдек, ижтимоий иш фаолияти ҳақидаги хабардорлигини ошириш;

Ҳар бир хонадон (оила) аҳволини ўрганиб, оилалардаги ҳақиқий ҳолатни ҳамда уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва баҳолаш;

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс учун индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш;

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишни ташкил қилиш;

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс номидан ижтимоий хизмат ва ёрдамлардан фойдаланиш учун сўровнома (ариза) киритиш;

"Ички ресурсларни, шу жумладан ижтимоий қоилаб-қувватлаш бўйича кўнгиллиларни (қариндошлар, қўни-қўшнилар, волонтёрлар, ҳомийлар) ижтимоий хизмат

ва ёрдамлар кўрсатишга жалб қилиш ҳамда уларнинг бу борадаги фаолиятини

мувофиқлаштириш;"

"Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳоким

ёрдамчиси, профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, солиқ

инспектори билан ҳамкорликда муаммолами бартараф этиш бўйича комплекс чоралар

кўриш;"

"Аҳолига давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар

тўғрисида, шунингдек, аҳолининг мазкур хизматлами олишга бўлган ҳуқуқлари

бўйича тушунтириш бериш."

**Солиқ инспектори**

2024 йил 22 май, 153-сон қўмита буйруғи

Тадбиркорларга солиқ хизматларини кўрсатиш, солиқ базасини кенгайтириш, солиқларни ундириш ва маҳалла бюджетининг даромадини шакллантиришга масъул бўлади.

солиқ обектларини рўйхатга олади, тегишли муассасалардан олинган маълумотлар асосида солиштиради, амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши, белгиланган имтиёзлардан тўғри фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

солиқ тоиовчиларнинг шахсий карточкаларида қайд қилинган ҳисоботлар ва ҳисобланган тўловлар таҳлилини олиб боради;

хўжалик юритувчи субектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан белгиланган тартибда, махсус гувоҳномага эга бўлган ҳолларда солиқ текширувларини ўтказади;

солиқ тоиовчиларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарзлари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирилишини таъминлайди;

солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ҳамда фуқароламинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда ўрганиб чиқиб, жавоб ва тушунтиришлар тайёрлайди;

солиқ органларининг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасида солиқ тўловчилар бўйича солиқлар ва йиғимламинг ҳисоблаб чиқилиши ҳамда амалдаги тушумлар статистикасини юритади;

солиқ тўловчиламинг ягона реестрини шакллантиради ва тўғри юритилишини таъминлайди;

ҳудудларда маҳаллаламинг имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда ўзини ўзи банд қилган ҳолда тадбиркорлик фаолият билан шуғулланаётган фуқаролами кичик бизнес тоифасига ўтишига кўмаклашади;

“Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизимидаги мавжуд камчиликлами бартараф этади ва тизимни такомиллаштириб бориш юзасидан таклифлар беради;

тадбиркорлик субектларини фаолиятини тиклаш ҳамда янги тадбиркорлик субектларини рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди;

амалдаги қонунчиликда белгиланган мезонлар асосида қонунбузилиш ҳолатлари, жумладан, тегишли ҳужжатларсиз савдо-сотиқ, контрафакт товарлар савдоси, аҳолига йўловчи ва юк ташиш, риелторлик, репетиторлик, гастрол-консерт ва бошқа пуллик хизматлар кўрсатиш юзасидан текширув ва рейд тадбирларини (зарур ҳолларда мутасадди органлар билан ҳамкорликда) ташкиллаштиради ҳамда ўтказади;

солиқ тўғрисидаги қонунчилик бузилишларини аниқлаш учун назорат тадбирларини амалга оширади, натижаси бўйича далолатнома ва баённомалар расмийлаштиради ҳамда ҳуқуқбузарликлар ҳисобини юритади;

хўжалик юритувчи субектлар томонидан савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан назорат олиб борилишини таъминлайди;

алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳамда маркировка қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилади;

тегишли лицензиясиз ёки рухсат берувчи ҳужжациз фаолиятни амалга оширган хўжалик юритувчи субектламинг ноқонуний фаолият юритишининг олдини олиш бўйича қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган, кечиктириб бўлмайдиган чора- тадбирларни амалга оширади;

тадбиркорлик субектларида, шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларида, бир марталик йиғимлар, бозорлар, савдо комплекслари ва уламинг филиалларида кўрсатилган хизматлар учун ижара тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши, пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам берилиши, савдо ва хизмат кўрсатиш

қоидалари бажарилиши, нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархланинг сунъий равишда оширилиши ёки пасайтирилиши, назорат-касса машиналарининг, тўлов терминалларининг қўлланилиши, шунингдек, белгиланган тартибда талон ва чекламинг берилиши, аҳоли билан пулли ҳисоб- китоблами амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши масалалари бўйича белгиланган тартибда сайёр солиқ текширувлари ўтказилишини таъминлайди;

сифациз, қалбакилаштирилган (ясама) ёки ноқонуний олиб кирилган товарларни тайёрлаш ва сотиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича тегишли назорат тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди;

ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳақиқатда қазиб олинган (ажратиб олинган) норуда фойдали қазилмалар ҳажмини аниқлаш мақсадида маркшейдерлик хизмати кўрсатувчи ташкилотлами жалб қилган ҳолда сайёр солиқ текширувлари ўтказади;

"солиқ текширувлари ҳужжатларини расмийлаштиради ҳамда ахборот тизимида тўлиқ юритилишини таъминлайди;

хўжалик юритувчи субектламинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари ҳисобини юритади;"

солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ҳамда фуқароламинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда ўрганиб чиқиб, жавоб ва тушунтиришлар тайёрлайди;

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича солиқ органларига бириктирилган секторларда, солиқ солиш соҳасидаги тизимли муаммолами ўрганади, аниқлайди ҳамда улами бартараф этиш чораларини кўради;

солиқ хизмати органларида кадрларнинг шахсий ва статистик ҳисобини юритади, хизматга оид ҳужжатларни жамлаш ҳамда улардаги маълумотларни тизимли равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

солиқ хизмати органлари ходимлари хатти-ҳаракатлари юзасидан киритилган ахборотлар, келиб тушган мурожаатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тақдимномалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотлардан келган хатлар бўйича хизмат текшируви ва ўрганишлар ўтказади;

тузилмалар фаолияти юзасидан мониторинг, таҳлилий ишлами амалга оширади, таҳлиллар натижасида сурункали равишда қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимлар фаолияти юзасидан ўрганишлар ҳамда зарур ҳолларда хизмат текширувларини ўтказади.

**Профилактика инспектори**

**2017 йил 18 апрель, ПҚ-2896-сон қарор**

Маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашишга масъул бўлади.

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш;

жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва фош этишда, тергов, суд ва суд ҳужжатларини ижро этишдан яшириниб юрган шахсларни, шунингдек бедарак йўқолган фуқароларни қидиришда иштирок этиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш;

аҳоли билан унинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш ва ижтимоий кескинликни юмшатиш масалаларида тўғридан-тўғри очиқ мулоқотни йўлга қўйиш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг, ғайрижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш.

**Хулоса.** Маҳалла еттилиги ваколатли шахсларининг фаолияти фуқароларнинг турмуш даражасини ошириш, жамоат тартибини таъминлаш ва ёш авлодни соғлом тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Улар маҳалладаги муаммоларни жойида ҳал этиш, аҳоли билан яқин мулоқотда бўлиш ва жамиятда барқарорликни сақлашда муҳим кўприк вазифасини бажаради. Шу боисдан, маҳалла еттилиги тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг малакасини ошириш ва фаолиятини замонавий ахборот технологиялари билан уйғунлаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
2. “Маҳалла ва оила” илмий-амалий маркази материаллари, Тошкент, 2023 йил.
3. Абдурахмонов А. “Маҳалла фаолияти ва унинг ижтимоий аҳамияти”. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2022.
4. Каримова Н. “Фуқаролик жамиятида маҳалланинг ўрни”. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2021.